30 МАР 1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 76 (6. 865) ◎ 1989 йил 1 апрель, шанба ◎

Уй-жой программаси назоратимизда

МИҚЁС, СУРЪАТ, СИФАТ

Ленин районида ўн иккинчи беш йилликда аввалги беш йилликка нисбатан ноилаж чиқариш асосий фондларига деярли 2 ярим баравардан зиёдроқ капитал маблағ ажратилган. Бошқача айтганда бу маблағ 11,6 миллион сўмдан 29,4 миллион сўмдан етди. Фақат уй-жойларнинг ўзига аввалги 9,4 миллион сўм ўрнига 16 миллион сўм ажратилди. Болалар боғчалари қурилишига аввалги 0,45 миллион сўм ўрнига 4,23 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Кўряпсизми, қурилиш миқёсини! Фақат ўтган йилда бутун аввалги беш йилликда сарфланганига тенг маблағ турар жой қурилишига сарфлаш ҳажмланди. Бу районда ХIII беш йилликда 20, XIV беш йилликда эса 26 миллион сўм маблағни фақат турар жой қурилишига сарфлаш кўзда тутилмоқда. Хуллас, 2000 йилга бориб, КПСС XVII съездида қўйилган вазифа — ҳар бир оилани иложида шинам квартира ёки уй билан таъминлаш учун район қурувчилари аср охиригача камида бир ярим миллион квадрат метр турар жой биноларини қуриб фойдаланишга топширишлари керак. Бу мураккаб вазифани ҳозирдан муваффақиятли ҳал эта бориш мақсадида меҳнат коллективларининг турар жой қурилишига маблағ билан ҳисса қўшишларидан ташқари хўжалик усулида уй-жой қуриш тажрибасига муҳим аҳамият берилмоқда.

«Средазтрансст р о й», «Средазстроймеханизация», «Ташсантехгазмонтаж», «Водоканал» трестлари ва бошқа ташкилот ҳамда корхоналарнинг коллективлари хўжалик усулида ўз ходимлари учун уйлар қуришди. Буэса яхши самара беряпти. Масалан, «Водоканал» трестида уй-жойга навбатда турганлар сони 40 процентга, «Гордорстройремонт»да — 25, «Средазтрансстрой»да — 35, «Ташсантехгазмонтаж»да эса 65 процентга қисқаргани шуни кўрсатиб турибди. Бироқ райониинг ўз муаммолари ҳам бор. Бу энг аввало районни комплекс қуришга, қурилишдаги муайян номутаносибликка барҳам беришга тааллуқлидир.

Агар умуман шаҳримиз қурувчиларининг шу йилнинг дастлабки икки ойлик иш натижаларига назар ташласак шуни кўрамизки, давлат пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари ўз кучлари билан 115,1 миллион сўмлик иш бажаришган. Буэса икки ойлик планнинг 98 процентини ташкил этади.

Акмал Икромов, Куйбишев, Сергели, Фрунзе, Ҳамза ва Чилонзор районларининг пудратчи ташкилотлари январь-февраль ойларида ўз кучлари билан бажариладиган иш ҳажми планини ҳам олмадилар.

Шаҳардаги 15 та трестдан январь-февраль ойларида 9 таси ўз кучлари билан бажариладиган иш ҳажми планини уддалай олмади. Улар орасида «Ташметрострой», «Отдельстрой», 159, 11, 8, трестлар, 1 ва 3-уйсозлик комбинати ва бошқалар бор.

Айниқса Киров, Акмал Икромов, Куйбишев ва Фрунзе районларида планни бажаришга панжа орасидан қараётган қурилиш ташкилотлари сони кўп. Бу аҳволга мазкур районларнинг партия, совет ва хўжалик органлари ҳозирданоқ ўз эътиборларини қаратмасалар бўлмайди. Негаки 1989 йилда 987,4 минг квадрат метр майдондаги турар жой биноларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Ўтган икки ойда 112,7 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. (Ўтган йилга нисбатан бу борада ўсиш суръати 102,7 процентни ташкил этди). Ҳали шаҳар бўйича кўплаб янги мактаблар, болалар боғчалари, касалхона ва поликлиникалар ишга туширилиши лозим.

Ҳ. ИКРОМОВ.

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК

Маҳалла комитетлари райсларининг шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши мажлисидан

Республика пойтахтини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича мураккаб вазифаларни ҳал этишда меҳнат коллективларини ва шаҳар аҳолисини барча жабҳалардаги ишларни яхшилашга, Тошкентда, айниқса социал соҳада йиғилиб қолган камчиликларни тугатишга сафарбар қилишга даъват этилган жамоатчи ташкилотлар муҳим роль ўйнайди.

Тошкентликларнинг ташвиш ва эҳтиёжларидан яхшироқ хабардор бўлиш, тошкентликларни қаяжонлантираётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида маҳалла комитетлари райсларининг мувофиқлаштириш кенгаши ташкил этилди.

29 март куни мазкур кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда маҳалла комитетлари фаолиятининг долзарб масалалари, район мувофиқлаштириш кенгашларининг ишини, маҳаллалардаги социал-маиший шароитларни яхшилашга доир шаҳар коммунал хизматлари фаолиятини активлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Миллий анъаналарни, урф-одатларни, бу йил кенг нишонланган Наврўз каби байрамларни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Маҳалла комитетлари райсларининг таклифига мувофиқ оммавий ахборот воситаларига, жумладан шаҳар «Оқшом» газеталарига маҳалла комитетларининг фаолиятини кенг ёритиш, турар жойларда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги, тошкентликларни ташвишлантираётган масалаларнинг қандай ҳал этилаётганлиги ҳақидаги материалларни мунтазам эълон қилиб бориш тавсия этилди.

Тошкент аҳолиси маҳалла комитетларининг ишига доир, уларнинг партия, совет органлари билан, шаҳар коммунал хизматлари билан ўзаро алоқаларини такомиллаштиришга доир ўз таклифларини, мулоҳаза ва истакларини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига ёки «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига йўллаши мумкин.

С. АЛЕКСЕЕВ.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

АМЕРИКАЛИК БОЛАЛАР — ТОШКЕНТЛИКЛАР ХОНАДОНЛАРИДА



Тошкентга биродарлашган шаҳар Сиэтлдан 84 нафар болаларни табриклаб «Олимпия» комплексига жўнаб кетмоқдалар. Сўнгра улар қўғирчоқ театрининг спектаклини томоша қилишади. Уларни митинглар ва дўстлик кечалари, интернационал дўстлик клубларидаги учрашувлар кутмоқда.

— Халқ дипломатияси доирасидаги учрашувлар яхши анъана, биродарлашган шаҳарлар дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолди, — дейди Сиэтл — Тошкент комитетининг ёшлар алоқалари программаси учун масъул ходими, Вашингтон Мидл скул ўқитувчиси Жозеф Саснет. — Ушбу делегацияни кузатиб юрган педагоглар икки йил мукаддам Тошкентда бўлишган эди. Уларнинг ҳикоялари ҳамда Ўзбекистон пойтахтига келиб кетган ўқувчиларнинг ўз тенгдошлари билан фикр алмашувлари юзлаб америкалик болаларда саммий қизиқиш туйғуларини уйғотди. Улар ҳам Ўзбекистонда бўлиш истагини билдиришди.

— Бу сафарги делегацияга номзодларни саралаш қандай олиб борилди?

— Ушбу сафар учун тўққиз мактабдан ўқувчилар саралаб олинди. Сафар қилиш истагини билдирганлар анкеталарни тўлдиришди. Биз эса уларнинг программадан манфаатдорлигини, ўқишдаги муваффақиятларини, дилкашлик, мустақиллик каби фазилатларини ҳисобга олиб саралаш ишларини бажардик.

— Жозеф, сизнингча шаҳарларимиз ўртасида тарқиб топган муносабатларнинг энг муҳим жиҳатлари нималардан иборат?

— Бу саммий дўстлик ва болаларимиз ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган алоқалардир. Сафар сайин бу алоқалар мустаҳкамланиб боряпти, энг муҳими сизнинг халқингиз учун ҳам, бизнинг халқимиз учун ҳам ер юзидаги тинчлик ва ҳамкорлик эканлигини тушуниб бораяпмиз. Имконятдан фойдаланиб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Сиэтл мэри Чарльз Ройер, биродарлашган шаҳарлар комитети халқ дипломатиясини ривожлантириш учун, Америка-Совет муносабатларини яхшилаш учун кўпгина ишларни қилаётганликларини таъкидлаб ўтишни истайман.

— Билишимизча, сизнинг ўн ойлик фарзандингизнинг исми Бахтиёр экан?

— Ўтган йили Тошкент делегацияси бизда меҳмон бўлганида мен ва содиқ ёрдамчим, дўстим — Сюзан фарзандимиз туғилишини кутаётган эдик. Тошкентлик дўстларимиз «Агарда ўғил туғилса дўстлигимиз хотираси учун унга Бахтиёр, яъни бахтли бола деб исм қўйинг. Мабодо қиз туғилса, уни Наргиза деб атанг», деб таклиф қилишган эди. Биз уларнинг маслаҳатига амал қилдик. Энди. фарзандимиз қонуний равишда қўш исм Гейбрел-Бахтиёр деб аталади.

Суҳбатга делегациянинг яна бир раҳбари Дэн Данген қўшилади:

— Шаҳарларимиз ер шарининг турли нуқталарида жойлашган. Сиэтлда йил мобайнида 250 кун ёмғир ёғади, Тошкентда эса қуёшли кунлар тахминан шунча. Аммо ёмғирсиз, қуёшсиз ҳеч нарсани етиштириб бўлмайди. Эҳтимол шунинг учун бўлса керак биз дўстлик деб аталувчи ажойиб «боғ» яратишга муваффақ бўлдик. Мазкур дўстликни нишонлаб, биз Тошкентга Вашингтоннинг 100 йиллигига бағишланган юбилей медалини олиб келдик. Ана шу юбилей бу йил нишонланади.

Яна бир нарсани қўшимча қилмоқчиман, Тошкентда биз ҳатликни, саммий муносабатларни мустаҳкамлашда айниқса муҳим аҳамиятга эга.

—Дэн, бугунги кунда ҳаётимиздан тобора мустаҳкам, ўрин олаётган қайта қуриш, ошкоралик, демократия ибораларини четлаб ўтиб бўлмайди. Назарингизда икки йил мобайнида шаҳримизда қандай ўзгаришлар рўй берган?


— Мактаблар ўртасидаги алоқалар программаси қўллаб-қувватланибгина қолмай, ўз чегарасини кенгайтириб бораётганлигини, ўз сафига янгидан-янги фаолларни жалб этаётганини кўрдим. Бугунги кунда Совет Иттифоқига ташриф буюриш истагини билдираётган америкаликлар сони кўпайиб бораётганлиги ҳам қайта қуришнинг оқибатидир.

Э. АДАЙКИНА.

СУРАТЛАРДА: сиэтлик меҳмонлар.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.





Тонгги газеталарда

◎ М. С. Горбачевнинг 1989 йил 29 март куни оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан бўлган учрашувда сўзлаган «Қайта қуришнинг бурилиш босқичида» сарлавҳали нутқи эълон қилинган.

◎ «КПССнинг ҳозирги шароитлардаги аграр сиёсати тўғрисида» КПСС Марказий Комитети 1989 йил 16 март Пленумининг қарори берилган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Компьютерли кабинет

◎ С. РАҲИМОВ районидаги 22-ўрта мактабда электрон ҳисоблаш ва информатика кабинети очилди. Хона 11 комплект замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳозир электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида 9—10-синф ўқувчиларига физика, математика, алгебра фанларидан сабоқ берилаяпти.

С. ШОДИЕВ.

12 касса хизматингизда

◎ ЖАНУБИЙ вокзалнинг билет сотиш кассалари учун мўлжалланган икки қаватли янги бино ишга туширилди. Унинг биринчи қаватида жойлашган 12 та касса билетларни нисбатан тезроқ олиш имконини беради. Бу ердаги стенд ва кўргазмалардан поездлар қатнови, бошқа зарур маълумотларни билиб олиш мумкин. Бинонинг иккинчи қаватидаги кутиш залида бир вақтнинг ўзида эллик йўловчи сафар олдидан ҳордиқ чиқариши мумкин.



◎ Японияда ишлаб чиқарилган «Нара» дастгоҳлари оддий каштачилик машиналаридан олти баравар унумлидир. Сифати ҳам аъло даражада. Ёқин бўёқли шарқ нақшлари туширилган дарпардаларни шаҳримиз аҳолисигина эмас, мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги харидорлар бажонидил харид қилишади. «Шарқ гули» бадиий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ана шундай маҳсулотлари мамлакатимизнинг турли шаҳарларига етказиб берилади.

СУРАТДА: бирлашманинг тандалаш цехида ўрнатилган «Нара» дастгоҳи.

Р. Шарипов фотоси.

Афғон талабаларининг ёрдами

◎ ТОШКЕНТДАН Афғонистонга йигирма тонна ун, бир ярим тонна маргарин юборилди. Бу маҳсулотлар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон олий ўқув юртларида таълим олаётган афғон талабалари, бош консулхона ходимлари тўплаган пулга сотиб олинди.

Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Ғулом Ҳазрат Ҳамгар ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда шундай деди:

— Афғонистонда муросасиз оппозициянинг босқинчилик хуружлари янада кучайди. Узлуксиз отилаётган ракеталар ва тўп ўқларидан тинч аҳоли, қариялар, болалар ҳалок бўлишмоқда. Талабаларимиз, бош консулхона ходимлари жабрланганларга қўлидан келганича ёрдам беришга қарор қилишди. 11 минг сўмга яқин пул, уч минг кийимнинг доллар йиғилди. СССР, бошқа социалистик мамлакатлар Афғонистонга бераётган жуда катта иқтисодий ёрдамга нисбатан биз тўплаган пуллар жуда кам. Ўзлари олаётган стипендиянинг бир қисмини ажратиб, талабаларимиз юксак гражданлик ва ватанпарварлик туйғуларини намоён этишди.

Кўчат харид қилишга шошилинг

◎ «ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ» фирмасига қарашли ўндан ортиқ савдо шохобчаларига олма, гилос, ўрик, олча, олхўри, ёнғоқ, узум ва бошқа мевали дарахт кўчатлари етказиб берилмоқда.

Правда Востока кўчасидаги 5, Ленин проспектидаги 6, Олой бозоридаги 7, Пролетарский кўчасидаги 8, Шота Руставели кўчасидаги 2-магазинларда ҳар куни ўн мингга яқин кўчат сотилмоқда.

Бу ниҳоллар Р. Р. Шредер номли узумчилик ва боғдорчилик илмий-текшириш институти ҳамда манзарали боғдорчилик совхозидан келтирилмоқда. Магазинлар аҳолига дам олиш кунисиз хизмат кўрсатади.

Сизга ҳам ярашади

◎ МАРКАЗИЙ универсал магазинига «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган аёлларнинг энг сўнгги модадаги мавсумий пальтоси чиқарилди. Шунингдек, «Мода», «Қизил тонг» фирма магазинлари пештахталарига ҳам ана шу янги маҳсулотнинг дастлабки туркуми қўйилди. Бир йўла бир неча рангда ишлаб чиқарилган мавсумбоп пальтолар модельерлар Любовь Сергеевна Учагова билан Валентина Николаевна Поселяева ижодига мансубдир.

Янги маҳсулот бирлашманинг француз машиналари билан жиҳозланган 3-тикувчилик цехида тайёрланаяпти.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Маргарин заводи

◎ Тошкент ёғ-мой комбинати қошида янги маргарин ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланди. Бу ерда Швециянинг «Альфа—Ловаль» фирмаси мутахассислари тайёрлаган маргарин ишлаб чиқариш линияси ўрнатилади. У маргаринларни бежирим полимер стаканларга жойлайди.

Завод ускуналари «Спецелхозмонтаж» трестига қарашли Байтқўрғон механизациялашган кўчма колоннаси томонидан монтаж қилинмоқда.

Ҳам бензин, ҳам мой

◎ ТОШКЕНТ-ЧОРТОҚ трассаси бўйлаб қатновчи ҳайдовчилар «Трактор-созлар» массивида 62-бензин қуйиш станцияси хизматидан фойдалана оладилар.

Бу ерда қуйилаётган бензиннинг граммигача кўрсатиб берувчи аппаратлар ишлаб турибди. Станцияда мижозлар автомобилларнинг мотор мойини ҳам янгилаб олишлари мумкин.

Д. ОБЛАЕВ.

Ўсавер, «Ниҳол»!

◎ ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ Марказий Комитети ҳузурида республика ёшларининг «Ниҳол» деб аталган илмий маркази очилди. Бу марказ дастлабки юқори синф ўқувчиларини қабул қилди. Ўзларини илмий-инженерлик фаолиятига бағишлашга аҳд қилган йигит ва қизлар таътил кунларида «Ёш талантлар» ижодий конкурсида қатнашдилар. Программага маълум бир фанга бағишланган олимпиадалар, «Ғоялар аукциони», техника моделлари кўргазмаси киритилган эди. Конкурснинг ҳар бир қатнашчиси марказ анкетасидаги саволларга жавоб беради. Бу ерда республика ёш истеъдодлари тўғрисидаги ўзига хос маълумотлар тўпланади.

«Тошкент» йиғмаси

◎ ЧИННИ заводида Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ёқубжон Қорабоев яратган яна бир янги сервиз тайёрлана бошланди. Ўзининг нафис, сержилолиги билан киши эътиборини жалб этувчи бу чинни идишлар йиғмаси олтита пиёла, лаган, коса ва чойнакдан иборат бўлади. Унинг ҳар бирига «Тошкент» ёзуви туширилган.

А. РУСТАМОВ.

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИГА БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари, пассажирлар ташиш таннархини камайтириш, пландаги дотацияни иқтисод қилиш ва бошқа бир қанча кўрсаткичлар юзасидан 1988 йил тўртинчи квартал якунларига кўра Тошкент метрополитени мамлакат метрополитенлари ўртасида энг яхши деб топилди. 29 март куни унинг коллективига Темир йўллар министрлиги билан темир йўл транспорти ва транспорт қурилиши ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи тантанали вазиятда топширилди.

Тошкент метросининг пассажир ташиш ҳажми ошмоқда. Ўтган йили пландан ташқари 2,5 миллион пассажир ташилди. Бу йил 132,1 миллион пассажир ташиш мўлжалланган. Ўзбекистон линиясининг янги участкаси ишга туширилиши билан пассажир ташиш янада кўпаяди. Бу участка Тошкентнинг эски шаҳар қисмига транспорт хизмати кўрсатишни анча яхшилайди. Ўзбекистон линияси электр депосининг биринчи навбати, ҳаракатдаги состав ремонт базаси фойдаланишга топширилди.

Метрополитен январь ойидан ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтди. Унинг даромадини кўпайтириш, пулли хизмат кўрсатишни кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Бу вазифаларнинг ҳаммасини пассажир ташишда тўла хавфсизликни таъминлаш ва юксак даражада маданий хизмат кўрсатиш билан ҳал этиш зарурлигини тантанали йиғилиш қатнашчилари таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

Ахборот

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Ўрта Осиё ва Қозоғистон қардош иттифоқдош республикалари пойтахтларининг 2—9 апрелга планлаштирилган биринчи дўстлик фестивалини ўтказиш муддатлари анча кейинга кўчирилишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар партия комитетининг II пленуми

ШАҲАРНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Илгари хабар қилинганидек, 28 март куни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг II пленуми бўлиб ўтди.

Эътиборингизга докладни муҳокама қилишда сўзга чиққан пленум қатнашчиларининг нутқлари баёнини ҳавола этамиз.

Корхона коллективи Озиқ-овқат программасини бажариш учун Тошкент области хўжаликларидан ер олишга қарор қилди, деб таъкидлади ўз нутқида «Таштекстильмаш» заводининг қуювчиси **Б. Бойсаров**. У. Юсупов номидаги агрокомбинатдан қарийб 16 гектар майдонни эгаллаган 22 та теплица сотиб олинди. Министрлик бунинг учун 1 миллион 60 минг сўм ажратди. Ердамчи хўжалик учун Оҳангарон районидан 300 гектар ер олинди. Шу ерда 300 бош йирик шохли қорамол ва 800 та қўй боқмоқчи эдик. Калинин районидаги «Иваново» совхози билан боғдорчилик-узумчилик участкалари учун ер ажратиш ҳақида келишиб олдик. Ҳамма иш жой-жойидагидек.

Аммо шундан кейин сарсонлик-саргардонликлар бошланди. Ерларга шартномаларни имзолашди, лекин бир талай: маҳалла комитетининг, шаҳар ижроия комитетининг, область ижроия комитетининг, область план комиссиясининг ва ниҳоят республика Министрлар Советининг қарорларини тўплаш керак. Ҳар бир қарорни қўлга киритишга қарийб бир ой вақт кетади. Ҳар бир қарорнинг тагида ўнга яқин имзо бўлиши керак. Имзо чекиши лозим бўлган киши отпускада ёки командировкада бўлсачи?.. Бундай бюрократик ёндошув ғазаблантиради. Заводда барча масалалар билан шуғулланишга ноябрь ойида киришиб, ишчиларга 1 Майга қадар ҳар хил сабзавотларни етказиб берамиз, деб ваъда берган эдик. Аммо чўзилиб кетган келишишлар барча планларни барбод қилди.

Ёрдамчи хўжаликка келганда эса, деди нотиқ, бўрдоқига боқиш учун ҳеч қаердан ёш молларни тополмаяпмиз. Нақд пулга сотишмайди, хўжаликлар эса рад жавобини беряпти. Ким ёрдам бериши мумкин? Бизнинг 10 та қишлоқ хўжалиги машинамиз бор. Ёқилғи эса йўқ. Яна министрликка мурожаат қилдик. У ерда 30 тонна ёқилғи ажратишди. Бизга эса бир йилга камида 83 тонна ёқилғи керак. Яна нима қил дейсиз? Ёрдамчи хўжаликларда ишлаётганларнинг меҳнатига қандай ҳақ тўлашни билмаймиз — нормативлар йўқ. Яна боши берк кўча. Ёки боғдорчилик-узумчилик ширкатлари масаласини олиб кўрайлик. Ўзаро манфаатли шартларда «Иваново» совхози билан келишган эдик. Аммо улар область ижроия комитетига мурожаат қилиб қарор чиқаришларини сўранг, дейишаяпти. У ерга ҳам бордик. Область ижроия комитетида эса бизга: совхозга бориб қарор чиқариб беришларини сўранг, дейишди.

Аниқ таклиф бор. Хўжалик билан корхона ўртасидаги ер олиш ҳақидаги шартнома асосий ҳужжат деб ҳисобласин. Ана шу шартнома расмийлаштирилгач кабинетма-кабинет юриб қарор чиқаришини сўрамай, тегишли ташкилотларни хабардор қилишнинг ўзи кифоя бўлсин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» боғдорчилик-узумчилик ширкати раиси **М. Ф. Фастишков** ҳам аниқ таклифларни баён этди. Ширкат аъзолари Оржоникидзе районидаги ўз участкаларида сабзавот, мева, узумдан яхшигина ҳосил олишяпти, ўз оилаларини таъминлабгина қолмай, ортиқчасини ярмаркаларда реализация қилиб, олинган маблағларни Тинчлик фондига ўтказишяпти. Шу билан бирга муаммоларимиз ҳам талайгина. Уларни ҳал этиш учун маҳаллий Советлар ва манфаатдор ташкилотлар баҳорда экин материалларининг комплекс савдосини ташкил этишлари, участкаларга ишлов бериш бўйича пулли хизматларни кўрсатишлари лозим, матлубот кооперацияси эса боғдорчилик-узумчилик ширкати районида қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги ускуналарининг савдосини ташкил этиши мумкин. Участкаларни сув, транспорт билан таъминлаш, жойларда ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш масалаларини ҳал этиш керак.

Партия ташкилотлари ҳам партия ва совет органлари қабул қилган қарорларнинг бажарилишини, боғдорчилик-узумчилик ширкатларини ривожлантириш учун масъул кишиларнинг ишини назорат қилиб ширкатларнинг аъзоларига ёрдам беришлари лозим.

«Таштеплоцентраль» бирлашмасининг бош директори **У. С. Ҳошимов** пленум қатнашчиларининг эътиборини шаҳарда ташкил этилган теплицаларда сабзавот етиштиришнинг ўсиш суръатлари сустлигига жалб этиб, ўз коллективининг иш тажрибаларини ўртоқлашди. «Таштеплоцентраль» ходимлари истеъмолда бўлган, илгари темир-терсак топшириб юбориладиган қувурларни ишга солиб, шанбаликларда ҳашар йўли билан теплица қурдилар. Қозонхонаси бўлган, 6 гектар майдонни эгаллаган теплица 180 минг сўмга тушади. Бу янги ёки реконструкция қилинган теплицадан бир неча баробар арзон. Теплица маҳсулотлари ҳозир бирлашма ходимларига, оталиқдаги болалар боғчасига етказиб берилмоқда. Коллективда саноат корхоналари ва хўжаликларнинг кооперацияси асосида сабзавот етиштириш билан шуғулланувчи саноат кўламидаги аграр комплексни яратишнинг модели мавжуд.

Мазкур тажриба, табиийки, эътиборгагина эмас, кенг қўллашга ҳам арзийди. Бунинг учун нотиқ шаҳарда Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этишни, матбуот, радио, телевидениенинг эса ўз кучи билан озиқ-овқат муаммосини муваффақиятли ҳал этаётган коллективларнинг тажрибасини кенг ёритиш ва тарғиб қилишни таклиф этди.

Пленум минбаридан сўзга чиққан Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Ҳайдаров** шаҳарликларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш масаласи тошкентликларни нақадар жиддий ташвишлантираётганлиги хусусида тўхталди. Мазкур масала юзасидан танқидий мулоҳазалар партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида, СССР халқ депутатлигига номзодлар билан учрашувларда ҳам баён этилди. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш барча депутатликка номзодларнинг программасидан ўрин олди. Район аҳолисини яхшироқ таъминлаш учун район партия комитети қандай ишларни амалга оширди?

Район партия комитетининг социал-иқтисодий ривожланиш бўйича комиссияси 1990 йилга қадар мўлжалланган комплекс программани ишлаб чиқди, ҳар бир корхонани Калинин райони хўжаликларига бириктириб қўйди. Улар ўзаро манфаатли шартларда узоқ муддатга мўлжалланган шартномаларни тузишмоқда. Район ижроия комитетининг тегишли қарори қабул қилинган, махсус ҳисоб-китоб счёти очилган. Район партия комитети аъзолари олиб борган ишлар натижасида қатор маҳаллаларда шахсий хўжаликларда кўпроқ мол боқиш ташаббуси билан чиқишди. Ўз ёрдамчи хўжалигига эга бўлмаган корхоналар колхоз ва совхозлардаги чорвачилик фермаларини ижарага олиш истагини билдиришяпти. Аммо озуқани марказлашган усулда етказиб бериш масаласини ҳал қилиш керак, озуқа эса йўқ. Районнинг ўзида ҳам овқат чиқиндиларини йиғиш ҳали юксак даражада йўлга қўйилмаган. Бу озуқа базасини бирмунча кенгайтириш имконини берган бўлар, эди.

— Хўжаликларнинг ҳар йили бошқа-бошқа корхоналарга қайта бириктириш тажрибаси бундан буён такрорланмаслиги ҳақидаги гапларни эшитишни истар эдик, — деди Т. Ҳайдаров. — Сабаби, саноат корхоналарининг хўжаликларга сарфлаган маблағлари ўз-ўзидан ном-нишонсиз йўқолиб кетади. Мисол учун, биз 1991 йилга қадар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қарийб 6 миллион сўм сарфлаймиз. Тахминан ана шунча маблағга бизга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришади. Ҳамма гап шундаки, ана шу маҳсулотга қайтадан ҳақ тўлашга тўғри келади. Шунинг учун корхоналар билан колхоз ва совхозлар ўртасидаги шартномалар ўзаро манфаатли шартларда, узоқ муддатларга тузилиши керак.

Нотиқ тошкентликларни озиқ-овқатлар билан таъминлашда социал адолат принципларига қатъий риоя қилиш зарурлиги ҳақида гапириб, ишчилар назоратини активлаштириш кераклигини, бу ишда район партия комитети аъзоларининг иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективида озиқ-овқат муаммоси қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида шу корхона ишчиси **Г. Ф. Закритная** ҳикоя қилиб берди.

Мазкур коллективда озиқ-овқатлар билан таъминлаш энг муҳим масалалардан бири, сабаби бу ерда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Раҳбарият, партия ва касаба союз ташкилотлари муаммони ҳал этиш учун талайгина ишларни амалга оширишди.

Комплекс ва парҳез таомлари ташкил этилган, бош корхона территориясида озиқ-овқат, масаллиқлар ва сабзавот магазинлари ишлаб турибди. Биринчи сменада ишловчилар бепул нонушта қилишади, бепул тушликлар учун социал-маданий-маиший фонддан 250 минг сўм ажратилган. Корхона Паркент районининг «Прогресс» совхози экономикасига қарийб 500 минг сўм сарфлайди, бунинг эвазига коллектив сабзавот, мева, узум олади. Амми шу ўринда ҳам ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ чигалликлар келиб чиқди.

Магазин орқали боғдорчилик-узумчилик ширкати аъзолари етиштирган 3 тоннадан зиёд сабзавот ва мевалар ҳам сотилди. 1983 йилда Чирчиқ дарёси этагида ажратилган 70 участка ўзлаштирилиб, ҳозир яхшигина ҳосил беряпти. Ўтган йили Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозидан яна участкалар учун 5 гектар ер олинди. Озиқ-овқат муаммосининг ҳал этилишига участкали уйларда истиқомат қилувчилар ўз ҳиссаларини қўшишни исташяпти, ана шу участкаларда мол боқиш мумкин. Агарда озуқа билан таъминлаш масаласи ҳал этилса, кўпчилик бўрдоқига боқиш учун ёш молларни оларди.

Г. Ф. Закритная бирлашманинг Собир Раҳимов районида жойлашган филиали коллективи илтимосини ҳам баён этди. У ерда 1300 нафар киши меҳнат қилади. Аммо улар бошқа меҳнат коллективлари каби озиқ-овқатлар билан таъминланмайди: бош корхона жойлашган Киров райони фондларга эга эмас, Собир Раҳимов районида эса уларни таъминлашдан бош тортишяпти. Ким ана шу вазиятга ойдинлик киритади?

— Мен хўжаликка қарийб ўн йилдан бери раҳбарлик қиламан. Ана шу вақт ичида Тошкент шаҳар партия комитети қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалани ўз пленумида биринчи марта муҳокама қилаяпти, — деди Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси **Р. Акбаров**. — Бу жуда тўғри. Чунки шаҳарнинг қишлоққа ёрдамисиз аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этиб бўлмайди.

Сўнгги вақтларда биз билан Киров район ижроия комитети ўртасида яхшигина алоқалар қарор топди, барча масалалар ишчанлик билан ҳал этилади. Ҳозир колхознинг Тошкентда учта фирмали магазини бор. Яқин орада яна учта магазинни очиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари қўшни хўжаликда 2500 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақланадиган холодильник қуриляпти.

Аграр соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлашда биз шаҳар корхона ва ташкилотларининг каттагина ёрдамини кутаяпмиз. Йил бошидаёқ шаҳар корхоналарининг қишлоққа ёрдами бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Орадан уч ой ўтди, аммо биз амалий ёрдамни ҳис этмаяпмиз. Бир мисол келтираман. 11-«Висотстрой» трести министрлик рухсатномаси йўқлиги билан изоҳлаб ёрдам кўрсатишдан қатъиян бош тортяпти. Бундай ёндошув билан озиқ-овқат муаммосини ҳал этиб бўладими?

Бизнинг колхозимизда ҳар гектар ер йилига 11 минг сўм даромад беради. Шу билан бир қаторда Тошкентнинг ўзида фойдаланилмай ётган ерлар талайгина. Наҳотки шу ерларда кўкатлар, сабзавотлар етиштириб бўлмайди?..

Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош директори **Б. Қ. Эргашев** ўз нутқида муҳим муаммони кўтарди. У «Текстильщик» совхозида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доир ишларнинг ижобий натижалари ҳақида ҳикоя қилиб, биргина шаҳар қишлоққа ёрдам бериб қолмаслиги, деҳқонлар ҳам ёрдамчи хўжаликларга мадад бериши лозимлиги хусусида тўхталди.

Комбинат коллективи тўқув дастгоҳларини, ҳом ашёни ва ҳоказоларни қаердан олишни яхши билади. Қишлоқ хўжалиги машиналарини, дизель учун ёқилғини, эртаки сабзавотлар етиштириш учун плёнкаларни ва бошқа далаларда зарур бўладиган кўпгина нарсаларни қаердан олиш керак? Министрликка уларни ажратишмайди, агросаноат комитетида эса уларни даставвал хўжаликлар ўртасида тақсимлашади. Шундан кейингина агар қолса, саноат корхоналарининг илтимосларини инобатга олишади. Шунинг учун қабул қилинадиган ҳужжатларда саноат корхоналари ёрдамчи хўжаликларининг эҳтиёжлари колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжлари билан бир текисда кўриб чиқилсин, деб аниқ келишиб олиш айниқса зарур. Ана шундагина яхши натижаларга умид қилиш мумкин бўлади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **Ҳ. Ҳ. Ғуломов** тошкентликларни мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга доир республика партия ва ҳукуматининг қарорларини бажариш бўйича ишлар бўш олиб борилаётганлигига алоҳида эътибор берди. Мазкур ҳужжатларда ўн иккинчи беш йилликнинг ҳар йили бўйича аниқ топшириқлар ва рақамлар белгиланган. Аммо қарорларни бажаришга доир ишларнинг айрим ижобий натижаларига қарамай, бу ишлар умуман бўш олиб борилмоқда. Бу айниқса магазинларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпгина турлари етишмай қолган, жумладан картошканинг нархи бозорда ҳаддан ташқари қимматлашиб кетган ўтган йили айниқса сезилди. Буларнинг ҳаммаси шаҳарликларнинг партия, совет, хўжалик органлари шаънига кўпгина эътироз билдиришларига сабаб бўлди.

Нутқда беш йилликнинг уч йили мобайнида Тошкент области хўжаликлари қарийб 63 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини кам етказиб берганликлари таъкидланди. Сабзавот етказиб бериш планлари 1986 йилда 18 процент, 1987 йилда 26 процент, 1988 йилда 63 процент бажарилди. Тошкентликларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиши белгиланган нормативлардан анчагина кам. Йилнинг саккиз ойи мобайнида кунлар иссиқ бўладиган Ўзбекистонда аҳвол шундай эканлигини тасаввур этиб бўлмайди.

Колхоз ва совхозларда ҳам аҳвол оғир эканлиги тушунарли. Уларда аввалги умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб бериш, қайта ишлаш планлари бажарилди. Шундан кейингина қолган маҳсулот Тошкентга юборилади. Эҳтимол, тегишли органларда таклиф тариқасида Тошкент областининг қатор қишлоқ районларини умумиттифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш вазифасидан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш жоиздир.

Шаҳар ва қишлоқ бир-бири билан ўзаро иқтисодий фойдали шартларда ҳамкорлик қилишлари лозим. Албатта, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рағбатлантиришда харид нархлари етакчи роль ўйнайди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети февраль ойида 1995 йилгача мўлжалланган комплекс программани қабул қилди. Унда Тошкент шаҳрининг районлари тошкентликлар таъминотини яхшилаш учун областнинг сабзавот ва мева етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ районларига бириктириб қўйилган.

Нотиқнинг таъкидлашича, республика партия ва ҳукуматининг қарорлари амалга оширилишига Тошкент область ижроия комитетининг корхона ва ташкилотлар боғдорчилик-узумчилик ширкатлари (Тошкентда участка олиш учун навбатда турганлар қарийб 100 минг кишини ташкил этади) ва ёрдамчи хўжаликларига ўз вақтида ер ажратиш билан боғлиқ фаолиятидаги камчиликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, бостириш ва сақлаш, реализация қилиш иши билан шуғулланувчи органларнинг кўп босқичлилиги ғов бўлаяпти. Кўп босқичлик маҳсулотнинг даладан пештахтагача бўлган йўлини узайтириб юбормоқда. Шунинг учун шаҳар ижроя комитети «Ташплодоовощпром»-ни тугатиш, бутун ишни агрофирмалар орқали ёки мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва шаҳарликларга етказиб беришнинг бошқа ташкилий формалари орқали олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Шунингдек, барча савдо корхоналарини ижарага ўтказиш ва ҳар йили Тошкентда қарийб 15 минг қишлоқ аҳолисини жойлашиб қолаётганлигини ҳисобга олиб, қишлоқ аҳолисининг Тошкентга кўчишини тўхтатиш масалаларини ҳал этиш керак бўлади.

Пленум минбаридан сўзга чиққан меҳнат ветерани **А. Я. Фрадкин** нафақат темирйўлчиларни, эҳтимол барча шаҳарликларни ҳаяжонлантираётган икки масала хусусида тўхталди. Гап шундаки, 1300 киши меҳнат қиладиган вагон депосида 65 киши 1978 йилдан бери участка олиш учун навбатда турибди. Аммо, ана шу вақт ичида уларга бирорта ҳам участка ажратилгани йўқ. Ҳамза район ижроия комитетида эса 1995 йилга қадар участка беришни ваъда қилишмаяпти. Тепловоз депосида 4000 дан зиёд ишчи-хизматчига боғдорчилик-узумчилик ширкати учун атиги 38 та участка ажратилган.

Иккинчи масала шундан иборатки, кўпинча тайёрловчилар ва савдо ходимлари ўртасидаги келишмовчиликлар оқибатида магазинларга сабзавот ва мевалар етказиб берилмайди. Шунинг учун хўжаликлар савдога жарима тўлашади. Аммо бу билан пештахталарда сабзавот ва мевалар кўпайиб қолмайди-ку!

Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери **С. З. Судирова** ўз нутқида сутни қайта ишлаш муаммолари хусусида тўхталди. Эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли кўпинча ускуналар бекор туради. Эҳтиёт қисмларга буюртмалар эса қондирилмайди.

Харидорлар бирлашма ишлаб чиқараётган сут маҳсулотларининг сифати пастлигидан қақли равишда шикоят қилишади. Ахир хўжаликдан сифатсиз сут етказиб беришса уни қандай қилиб яхшилаб бўлади?

Бирлашма тўла хўжалик ҳисобига ўтганидан сўнг уни бесгак тута бошлади. Мазкур мушкул вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли корхонани ижарага беришдан иборат. Область агросаноат комитети (бирлашма ана шу комитетга қарашли) мазкур масалани кечиктирмай ҳал этиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари **М. М. Мирқосимов** ўз нутқида озиқ-овқат муаммосининг кескинлиги ҳақида, уни жадал ҳал этиш вазифалари ҳақида гапирди. У пленум қатнашчиларини, шаҳар партия комитети аъзоларини Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишларини активлаштиришга, ташаббус кўрсатишга ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш йўлларини деҳқонлар билан ҳамкорликда изланишга даъват этиб, «Қорасув» совхозида фаолият кўрсатаётган кооператив маҳсулотини намойиш этди. Кооператорлар илгари ҳар квадрат метрдан 5 килограммдан сал кўпроқ сабзавот олиб келинган 2 гектар теплицани ўз ва конструкциядан сўнг янги замонавий технология асосийси корхона, ташкилот ва ҳўжалиги сидаги шартнома бўлиши керак.

Эҳтимол ёрдамчи хўжаликларни тугатиш тажрибасини ҳам қайта кўриб чиқиш ракдир. Уларнинг 90 фоизи зарар келтирмоқда. Ердамчи хўжаликларда олинаётган маҳсулотлар область хўжаликларида олинадиган маҳсулотлардан анчагина қимматга тушмоқда. Нима учун 120—130 гектар майдонни ўзлаштирилаган, зарар келтираётган ёрдамчи хўжалик боғдорчилик-узумчилик ширкати учун ўзлаштирилаган калар сифатида тақсимлаб бериш мумкин эмас. Бунда самара сезиларли равишда ошиши ярди.

Боғдорчилик-узумчилик ширкатларига жиддий шуғулланиш керак. Умуман, область шаҳарларида участка олиш учун навбатда турганлар эндиликда йўқ. Биргина Тошкент шаҳри қолди. Шаҳар ва область Советининг депутатларидан, керак бўлса шаҳар ва область партия комитетлари аъзоларидан комиссия тузиш, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ўзлаштиришга яроқли бўлган ерларнинг тўла инвентаризациясини ўтказиш учун икки ой муҳлат бериш мумкин. Аниқланган ерларни шаҳар ижроия комитетига тақсимлаш учун бериб, шу масалани тартибидан олиш, шаҳарликларга эса боғ бор ерлар мана шу, бошқа йўқ ва бўлиши ҳам, дейиш мумкин бўлар эди. Ўйлайманки, тошкентликлар буни тўғри тушунишади.

Озиқ-овқат, гўшт-сут саноати корхоналарининг ишида, планлаштиришда, озиқ-овқатларини харид қилиш, тайёрлаш ва реализация қилиш ишларини ташкил этишда тартиб ўрнатиш керак. Озиқ-овқатларни тақсимлашда социал адолат принципларига қатъий қилинишини қаттиқ назорат қилиш керак. Тошкент учун ажратилган фондларнинг тақсимланиши ҳақида шаҳарликларни мунтазам равишда бардор қилиб бориш лозим.

«Компрессор» заводининг директори **Фрошгейзер** меҳнаткашларни гўшт, асал, сабзавот ва мевалар билан таъминлаш ишларини қандай амалга оширилаётгани ҳақида гапириб, амалга оширилган ишларга қарамасдан, ларнинг ҳаммаси озиқ-овқат муаммосини тўла этишга қўшилган арзимаган ҳиссасини қўшган деб таъкидлади.

Корхона раҳбари коллектив номидан, республика Агросаноат давлат комитетига буюртмачи ва ёрдамчи вазифасини ўз зиммасига олса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган холодильникларни, шиналарни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ускуналарни ишга тушириш керак, деди. Албатта бу ортиқча ташвишларни келтириб чиқаради, шунга қарамай бу кечиктириб бўлмайдиган муҳим ва зарур ишдир.

Ҳайкалтарош **К. Салоҳитдинов** ҳисоблаш билан, куюниб гапирди. У икки хўжаликдан олиб, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида индустратини кенг жорий этишга ҳамма ерда интилмаётганликларига, бусиз деҳқон учун ўзини ернинг чинакам хўжайини деб этмаслигига, ўз меҳнатининг пировард самарасидан тўла манфаатдор бўлмаслигига тибор берибди. Нотиқнинг фикрига қарағанда, айрим раҳбарларни ва мутахассисларни қарув аппаратини, кўп сонли ҳисобчилар, табелчилар, қабул қилувчилар ва ҳоказоларни кескин қисқартиришдан ҳадиксираётганлиги боис турган кўринади..

К. Салоҳитдинов яна бир кескин масалага тўхталди. Тошкентда қурилиш кенгайиб борган сайин яқин-атрофда жойлашган хўжаликлардан қурилиш объектлари учун жойлар учун унумдор ерлар олиб қўйилаётганлиги ваҳоланки ана шу ерлар тошкентликларнинг «боқади». Шунинг учун республика партиятининг ривожланиши қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришга асло зарар етказмаслиги, экин майдонларининг қисқаришига олиб келмаслигига жиддий эътибор бериш керак.

Тошкент булка-кондитер комбинати директори **В. В. Андрианова**нинг нутқи пленумдаги қисқа нутқ бўлди. У озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ҳақида докладда ва унинг ҳисоботи маси вақтида батафсил гапирилганини, шаҳарликларга оммавий равишда ёрдам бериш зарурлигини қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлади.

— Биз, қишлоқ меҳнаткашлари «Таштеплоцентраль»нинг бош директори У. С. Ҳошимовга ўз кучлари билан 180 минг сўмга 6 гектарли теплица бунёд этганликлари ҳақидаги хабарни ҳавасимиз келиб эшитдик, — деди Ўзбекистон никидзе районидаги Ленин номли колхоз раиси монарийсининг раҳбари **Ф. Зайнитдинов**. Биз худди шундай теплица хўжалиги қуришга бир неча баравар ортиқча ҳаҳ тўлашга бир неча баравар ортиқча ҳаҳ тўлашга тайёрмиз. Шунга қарамай, уларни тез ва монавий савияда қура оладиган бош пудратчи ни топиш ниҳоятда пушкул. Бусиз эса пудратини кенг жорий этишга ҳамма ерда интилмаётганликларига, бусиз деҳқон учун ўзини ернинг чинакам хўжайини деб этмаслигига, ўз меҳнатининг пировард самарасидан тўла манфаатдор бўлмаслигига тибор берибди. Нотиқнинг фикрига қарағанда, айрим раҳбарларни ва мутахассисларни қарув аппаратини, кўп сонли ҳисобчилар, табелчилар, қабул қилувчилар ва ҳоказоларни кескин қисқартиришдан ҳадиксираётганлиги боис турган кўринади..

К. Салоҳитдинов яна бир кескин масалага тўхталди. Тошкентда қурилиш кенгайиб борган сайин яқин-атрофда жойлашган хўжаликлардан қурилиш объектлари учун жойлар учун унумдор ерлар олиб қўйилаётганлиги ваҳоланки ана шу ерлар тошкентликларнинг «боқади». Шунинг учун республика партиятининг ривожланиши қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришга асло зарар етказмаслиги, экин майдонларининг қисқаришига олиб келмаслигига жиддий эътибор бериш керак.

Тошкент булка-кондитер комбинати директори **В. В. Андрианова**нинг нутқи пленумдаги қисқа нутқ бўлди. У озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ҳақида докладда ва унинг ҳисоботи маси вақтида батафсил гапирилганини, шаҳарликларга оммавий равишда ёрдам бериш зарурлигини қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлади.

— Биз, қишлоқ меҳнаткашлари «Таштеплоцентраль»нинг бош директори У. С. Ҳошимовга ўз кучлари билан 180 минг сўмга 6 гектарли теплица бунёд этганликлари ҳақидаги хабарни ҳавасимиз келиб эшитдик, — деди Ўзбекистон никидзе районидаги Ленин номли колхоз раиси монарийсининг раҳбари **Ф. Зайнитдинов**. Биз худди шундай теплица хўжалиги қуришга бир неча баравар ортиқча ҳаҳ тўлашга тайёрмиз. Шунга қарамай, уларни тез ва монавий савияда қура оладиган бош пудратчини топиш ниҳоятда пушкул. Бусиз эса пудратини кенг жорий этишга ҳамма ерда интилмаётганликларига, бусиз деҳқон учун ўзини ернинг чинакам хўжайини деб этмаслигига, ўз меҳнатининг пировард самарасидан тўла манфаатдор бўлмаслигига тибор берибди. Нотиқнинг фикрига қарағанда, айрим раҳбарларни ва мутахассисларни қарув аппаратини, кўп сонли ҳисобчилар, табелчилар, қабул қилувчилар ва ҳоказоларни кескин қисқартиришдан ҳадиксираётганлиги боис турган кўринади..



⊙ Тошкент шаҳар партия комитети II пленумида. Р. Шарипов фотолари.

Пленум ишида, планлаштиришда, озиқ-овқатларини харид қилиш, тайёрлаш ва реализация қилиш ишларини ташкил этишда тартиб ўрнатиш керак. Озиқ-овқатларни тақсимлашда социал адолат принципларига қатъий қилинишини қаттиқ назорат қилиш керак. Тошкент учун ажратилган фондларнинг тақсимланиши ҳақида шаҳарликларни мунтазам равишда бардор қилиб бориш лозим.

«Компрессор» заводининг директори **Фрошгейзер** меҳнаткашларни гўшт, асал, сабзавот ва мевалар билан таъминлаш ишларини қандай амалга оширилаётгани ҳақида гапириб, амалга оширилган ишларга қарамасдан, ларнинг ҳаммаси озиқ-овқат муаммосини тўла этишга қўшилган арзимаган ҳиссасини қўшган деб таъкидлади.

Корхона раҳбари коллектив номидан, республика Агросаноат давлат комитетига буюртмачи ва ёрдамчи вазифасини ўз зиммасига олса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган холодильникларни, шиналарни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ускуналарни ишга тушириш керак, деди. Албатта бу ортиқча ташвишларни келтириб чиқаради, шунга қарамай бу кечиктириб бўлмайдиган муҳим ва зарур ишдир.

Ҳайкалтарош **К. Салоҳитдинов** ҳисоблаш билан, куюниб гапирди. У икки хўжаликдан олиб, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида индустратини кенг жорий этишга ҳамма ерда интилмаётганликларига, бусиз деҳқон учун ўзини ернинг чинакам хўжайини деб этмаслигига, ўз меҳнатининг пировард самарасидан тўла манфаатдор бўлмаслигига тибор берибди. Нотиқнинг фикрига қарағанда, айрим раҳбарларни ва мутахассисларни қарув аппаратини, кўп сонли ҳисобчилар, табелчилар, қабул қилувчилар ва ҳоказоларни кескин қисқартиришдан ҳадиксираётганлиги боис турган кўринади..

К. Салоҳитдинов яна бир кескин масалага тўхталди. Тошкентда қурилиш кенгайиб борган сайин яқин-атрофда жойлашган хўжаликлардан қурилиш объектлари учун жойлар учун унумдор ерлар олиб қўйилаётганлиги ваҳоланки ана шу ерлар тошкентликларнинг «боқади». Шунинг учун республика партиятининг ривожланиши қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришга асло зарар етказмаслиги, экин майдонларининг қисқаришига олиб келмаслигига жиддий эътибор бериш керак.

Тошкент булка-кондитер комбинати директори **В. В. Андрианова**нинг нутқи пленумдаги қисқа нутқ бўлди. У озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ҳақида докладда ва унинг ҳисоботи маси вақтида батафсил гапирилганини, шаҳарликларга оммавий равишда ёрдам бериш зарурлигини қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлади.

— Биз, қишлоқ меҳнаткашлари «Таштеплоцентраль»нинг бош директори У. С. Ҳошимовга ўз кучлари билан 180 минг сўмга 6 гектарли теплица бунёд этганликлари ҳақидаги хабарни ҳавасимиз келиб эшитдик, — деди Ўзбекистон никидзе районидаги Ленин номли колхоз раиси монарийсининг раҳбари **Ф. Зайнитдинов**. Биз худди шундай теплица хўжалиги қуришга бир неча баравар ортиқча ҳаҳ тўлашга тайёрмиз. Шунга қарамай, уларни тез ва монавий савияда қура оладиган бош пудратчини топиш ниҳоятда пушкул. Бусиз эса пудратини кенг жорий этишга ҳамма ерда интилмаётганликларига, бусиз деҳқон учун ўзини ернинг чинакам хўжайини деб этмаслигига, ўз меҳнатининг пировард самарасидан тўла манфаатдор бўлмаслигига тибор берибди. Нотиқнинг фикрига қарағанда, айрим раҳбарларни ва мутахассисларни қарув аппаратини, кўп сонли ҳисобчилар, табелчилар, қабул қилувчилар ва ҳоказоларни кескин қисқартиришдан ҳадиксираётганлиги боис турган кўринади..

К. Салоҳитдинов яна бир кескин масалага тўхталди. Тошкентда қурилиш кенгайиб борган сайин яқин-атрофда жойлашган хўжаликлардан қурилиш объектлари учун жойлар учун унумдор ерлар олиб қўйилаётганлиги ваҳоланки ана шу ерлар тошкентликларнинг «боқади». Шунинг учун республика партиятининг ривожланиши қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришга асло зарар етказмаслиги, экин майдонларининг қисқаришига олиб келмаслигига жиддий эътибор бериш керак.

Тошкент булка-кондитер комбинати директори **В. В. Андрианова**нинг нутқи пленумдаги қисқа нутқ бўлди. У озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ҳақида докладда ва унинг ҳисоботи маси вақтида батафсил гапирилганини, шаҳарликларга оммавий равишда ёрдам бериш зарурлигини қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлади.

— Биз, қишлоқ меҳнаткашлари «Таштеплоцентраль»нинг бош директори У. С. Ҳошимовга ўз кучлари билан 180 минг сўмга 6 гектарли теплица бунёд этганликлари ҳақидаги хабарни ҳавасимиз келиб эшитдик, — деди Ўзбекистон никидзе районидаги Ленин номли колхоз раиси монарийсининг раҳбари **Ф. Зайнитдинов**. Биз худди шундай теплица хўжалиги қуришга бир неча баравар ортиқча ҳаҳ тўлашга тайёрмиз. Шунга қарамай, уларни тез ва монавий савияда қура оладиган бош пудратчини топиш ниҳоятда пушкул. Бусиз эса пудратини кенг жорий этишга ҳамма ерда интилмаётганликларига, бусиз деҳқон учун ўзини ернинг чинакам хўжайини деб этмаслигига, ўз меҳнатининг пировард самарасидан тўла манфаатдор бўлмаслигига тибор берибди. Нотиқнинг фикрига қарағанда, айрим раҳбарларни ва мутахассисларни қарув аппаратини, кўп сонли ҳисобчилар, табелчилар, қабул қилувчилар ва ҳоказоларни кескин қисқартиришдан ҳадиксираётганлиги боис турган кўринади..

К. Салоҳитдинов яна бир кескин масалага тўхталди. Тошкентда қурилиш кенгайиб борган сайин яқин-атрофда жойлашган хўжаликлардан қурилиш объектлари учун жойлар учун унумдор ерлар олиб қўйилаётганлиги ваҳоланки ана шу ерлар тошкентликларнинг «боқади». Шунинг учун республика партиятининг ривожланиши қишлоқ хўжалигини

Оқшомхонлар учун учрашув

— АЙРИМ кунлари залга тиқ боқишга ботина олмайман. Саҳнада характерлар тўқнашувига, ички ҳиссиётларга тўла «Истанбул фожиаси» ўйналмоқда, 700 дан кўпроқ томошабин сиғадиган театримизга эса бундан ўн баравар кам одам тўпланган. Икки миллиондан кўп аҳолиси бўлган пойтахтдаги биттагина миллий академик драма театрига бу муносабатни ҳеч тушуна олмайман. Ахир Москвада, бошқа йирик шаҳарларда театрга билет топиш осонмас-ку? Йўқ, биз санъат ихлосмандларидан хафа эмасмиз. Ҳамза номли театрда «Ўтган кунлар», «Келинлар қўзғолони» спектакллари қўйилса, зал томошабинларга лиқ тўлади. Эҳтимол айрим кишилар театрни кўнгил очар жой, деб ўйлашар, бу ерга саргузашт ҳикояларини томоша қилиб, ҳордиқ чиқаришга келишар. У ҳолда кишиларда эстетик дидни тарбиялаш масаласи қандай ҳал қилинади? Биз Владимир Ильич Ленининг театрни илоҳий ва мўъжизакор жой деб таърифлаганини унутишимиз мумкин эмас. Ҳамза номли академик драма театрининг ҳудди шундай муқаддас даргоҳ, унинг саҳнасига оммавий кўринишларда чиқиш учун артист учун бахт.

Ёқуб Аҳмедов бу бахтга муяссар бўлган 1957 йилни — «Ганг дарёсининг қизи» спектаклида оммавий кўринишлардан бирида иштирок этганлигини ёдида яхши сақлаб қолган. Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтининг у таҳсил олаётган режиссёрлик курсига А. О. Гинзбург раҳбарлик қиларди. Александр Осипович айни вақтда Ҳамза театрининг бош режиссёри эди. Курсидаги студентларни театр саҳнасидан «учирма қилиш» унинг ажойиб фазилатларидан бири эди.

Умуман олганда эса Ё. Аҳмедов актёрлик фаолиятининг тарихи жўнгина. 1949 йилда Наманган область театрида «Ғунчалар» спектакли саҳналаштирилаётганда оммавий саҳналарда ёш бола керак бўлиб қолди. Кейинчалик Ўзбекистон ССР халқ артисти унвонига сазовор бўлган Муҳиддин Мансуров бу ердаги Исфаҳон маҳалласида Ёқубларга қўшни эди. Унинг таклифи 11 яшар ўқувчи учун бутун ҳаёт йўлини белгилаб берди. Икки йилдан кейин Ёқуб шу театрга ярим ставкага ишга олинди, «Алишер Навоий»да Мўмин Мирзо, «Ревизор»да Мишка образларини яратди. Шунинг учун у ўрта мактабни тугаллаганда олдида касб танлаш муаммоси кўндаланг бўлмади...

— Академик драма театри донмо ўз томошабинларига эга бўлиши биринчи навбатда ижодий коллективнинг ўзига боғлиқ эмасми? Аброр Ҳидоятовнинг жаҳонга қайтиб келгунга қадар ролларини эслайлик...

— Томошабин қалбини ром қилиш учун ҳаммани қаяжонга соладиган пьеса, уни янгича талқин эта оладиган режиссёр, эҳтирос билан ижро этадиган актёрлар керак, албатта. Театримизда буларнинг ҳаммаси мавжуд. Ўз вақтида санъаткорларимиз ўртасида рўй берган тушунмовчиликлар ижодий муҳитга таъсир кўрсатмай қолмади. Лекин ҳозир труппамиз театр ихлосмандларини мамнун қиладиган саҳна асарлари устида банд. 23 мартда «Тергов давом этади» спектаклини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилдик. Ундаги бош врач Тўхтаев ролини ижро этиш каминангизга насиб этди. Шуниси диққатга сазоворки, бу спектаклни Сурхондарё область театрининг бош режиссёри Мансур Равшанов саҳналаштирган. Академик театр саҳнасида обастдаги режиссёрларга ўз ижодий имкониятларини синаб кўриш учун шароит яратиш яхши анъанага айланмоқда. Ҳозир режиссёр Рустам Ҳамидов бошчилигида «Ғуч» деб номланган спектаклни машқ қилишга киришмоқдамиз.

Хуллас, репертуар янгиланиб бормоқда, асосан замонавий мавзудаги спектакллар саҳна юзини кўряпти. Бироқ улардан янгилигимиз тўляпти, деб бўлмайди. Санъаткор ижодига ўта масъулият билан ёндошса, унинг камолот пиллапояларидан юқорига кўтарилиши амри-маҳол. Биз ҳамиша янги қўл урилмаган пьесаларни, ўйналмаган ролларни кутамиз...

— Сиз режиссёр бўлсангиз артист Ёқуб Аҳмедовга қайси ролни таклиф этган бўлардингиз?

— Биласизми, яқинда телевидение орқали «Фурқат» бадиий фильмини кўрсатиб қолишди. Ўттиз йил аввалги ўзингга бугунги кўзқарашинг қандай экан. Ўшанда Ҳамза номли театрга янгигина ишга ўтган пайтим, кинодаги биринчи ролим эди. Ҳозир бу образни тубдан бошқача талқин қилган бўлардим.

Орзуларга келсак кўп йиллардан бери томошабинларимга саҳнада Алишер Навоий ролини ижро этишни тугиб юрибман. Шуниси қизиқки, бу спектакль анчадан бери йиллик репертуар планига киритилади, аммо турли сабабларга кўра қоғозда қолиб кетади. Аслида халқимиз, айниқса ёшларимиз юртимиз тарихини, улуғ зотларини яхши билишлари керак.

— Санъатни мамлакатлар, халқлар ўртасидаги кўприкка қиёс қилишади. Миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда театрнинг роли ҳақидаги фикрингизни билсак бўладими?

— Ўтган йили Олмаотада икки кун қозоқ томошабинларига «Ҳазрати аёл» спектаклимизни кўрсатдик. Ўз вақтида театримизда қозоқ режиссёри О. Мамбетов «Абай» спектаклини саҳналаштирган эди. Қозоғистонда эса «Алишер Навоий» пьесаси саҳна юзини кўрди.

Театримиз ижодий коллективи шу йил май ойида Олмаотага, июнда эса Душанбега гастролларга боришни режалиштирган. Тилмоч талаб қилмайдиган санъат халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Биласизми, икки кун Олмаотадаги театрда спектакль намойиш қилганимизда қозоқ ҳамкасбларимизга чинакам ҳавасимиз келди. Бу ерда артистлар учун ҳамма шароит муҳайё экан: катта ва кичик заллар, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган саҳна, кучли ёритиш қурилмалари, артистлар учун хоналар. Академик театримиз учун Тошкентда ҳам шундай бино қурилармикин деган орзуимиз аланга олиб кетди.

— Театр муаммоларини ҳал этишда уларни хўжалик ҳисобига ўтказишга қандай қарайсиз?

— Санъатни пул билан ўлчаб бўлмайди. Ҳамма замонларда театрнинг ҳомийлари бўлган. Агар биз ўзимизни маблағ билан таъминлашга ўтадиган бўлсак ғоявийликка путур етиб қолмасмикин? Касса планини тўлдириш учун томоша устига томоша ўтказавериш ҳам актёр маҳоратига сайқал беришга ёрдамлашмайди.

— Шу муносабат артистнинг соцнад муҳофазасига тўхталсангиз.

— Бу жуда дардли муаммо. Образ талқини заруратидан артистларнинг кийинишигами ё нотўғри тасаввурдан келиб чиқибми — ҳар ҳолда айрим кишиларда улар кўп пул олишади, бадавлат яшашади, деб ўйлашади. Ҳақиқатда-чи? Мана, бизнинг академик драма театрига институтдан келган артистнинг маоши 100-110 сўм бўлади. Уч йил ўтгандан кейингина ойлигига 10 сўм қўшилади. Бундан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

... Ёқуб Аҳмедов бир неча бор соатига қараб қўйди. Унинг вақти тиғизлигини билардик. Тушгача театрда янги спектакль машқи, кейин киностудияда дубляжда овоз бериш, кечқурун эса илоҳий ва мўъжизакор даргоҳ саҳнасида яна эҳтирослар оғушига берилиш. Бунинг орасида радиода бирор бадиий асарни ўқиб беришни илтимос қилишади, мактаб ўқувчилари учрашувларга чақиришади. Биз саҳна ва экранда, телевидение ва радиода Ёқуб Аҳмедовнинг ҳеч адаштириб бўлмайдиган яшинкор, салобатли овозига кўникиб қолганмиз. Ҳар гал уни эшитганимизда кўз ўнгимизда бехитиёр у яратган ўнлаб бетакрор образлар ёркин гавдаланаверади.



ЭҲТИРОС



...Саҳна ёпилгач, биров шошилиб, бошқалар бамайлихотир театрни тарк эта бошладилар. Ҳозиргина кўз ўнгларида гавдаланган кишилар тақдири уларни ўйлантирдими, виждонан покланишга ундадими? Умуман, спектакль қалбларида бирор из қолдирдими ёки кўп ўтмай унут бўлиб кетадими?

Ҳақиқий санъаткор булар ҳақида ўйламаслиги мумкин эмас. Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ёқуб АҲМЕДОВ билан суҳбатимиз ҳам санъаткорнинг томошабин олдидаги масъулиятидан бошланди.

• 1 АПРЕЛЬ • 1 АПРЕЛЬ • 1 АПРЕЛЬ • 1 АПРЕЛЬ

Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади!

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.



«Қарзингни қачон берасан?»

Устоз санъаткор, Ўзбекистон ССР халқ артисти Соиб Хўжаев мактаб ярата олган кулги устаси эди. У киши қандай образ яратмасин, одамни кулдирмасдан қўймасди. Унинг ишини ҳозирги кунда шогирдлари баҳоли қудрат қўлларидан келганча давом эттириб, халққа хизмат қилишмоқда. Улардан бири санъати билан элга танилиб келаётган Маҳмуджон Муслимов устоз ҳаётлиги даврида бўлган воқеалардан баъзиларини ҳикоя қилиб берди.

— Бир куни Машраб Юнусов устозидан ўн сўм қарз сўрабди. Сотиш учун театрга гўшт келтирилган экан. «Кечгача қайтараман», дебди. Икки кун ўтгач «Тошболта ошиқ» комедияси қўйилибди. Домла ролида Машраб Юнусов. Учинчи пардада Тошболта ошиқ таёқ кўтариб домланинг устига бостириб келади: «Тўхта, қочма, оқни-оққа, қорани-қорага ажратгани келдим». Ва домлани тутиб олиб сўроққа тутади: «Қизингни ўғлимга берасанми йўқми?» Домла гапни айлантирмоқчи бўлади, шунда Тошболта: «Ё ҳа, ё йўқ». «Бераман» жавобини олгач иккинчисига ўтади: «Синглингни менга берасанми, йўқми?» Розилигини олгач, яна сўроққа тутади: «Чоршанба куни олган 10 сўм қарзингни берасанми, йўқми»...

Ушда («Тошболта ошиқ» қўйилганида) шундай воқеа бўлади: Пари «Аччиққина мастава қилгандим, шундан ярим косагина олиб келай» деб ўрнидан турса, Соиб Хўжаев: «Қўяверинг Пари, ҳали спектаклга келишда Абдумўмин аканинг ошини еб келганман», дейди.

М. МУСЛИМОВ.

Эълонлар

◆ Ҳалим хасис улфатлари диққатига: Бугун Шопойиздаги чойхонага ҳамма йиғилсин. Навбатдан ташқари ошхўрлик бўлади. Харажатни Ҳалим хасис ҳисобидан. Ҳар эҳтимолга қарши чўнтакка 10 сўмдан солиб келинглар.

◆ «Ташгалантерейторг» ишга таклиф этади. Турли майда-чуйда ва аёллар ич кўйлакларини сотишга фақат йигитлар қабул қилинади.

◆ Таниқли адиб Хомийнинг «Тургантитгани сув» романи тўлалигича нашрдан чиқди. Баққоллар, пистафурушлар китоб дўконлари билан шартнома тузишлари мумкин.

◆ Кооператив ошхоналар бугун овқатларни янги сўйилган қўй гўштидан тайёрлаяпти. Буюртмалар олдиндан қабул қилинади.

◆ База директори магазин мудири берган порани олмай, истаган молини берди.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

Қисқа масаллар

⊙ КИРПИ

Кирпи кириб олиб олмазор боққа,
Аланглайди, қўрқиб ҳар ёққа.
Шарпа билса писиб олади,—
Худди коптоқ бўлиб қолади.
Кўринмаса ҳеч зот бир зумда
Ўғирлайди олмадан тунда.
Кўриб қолса ўшанда бир шер
— Олмозорга қоровулман!— дер.

⊙ СУВ ИЛОНИ

Денгизда у яйрайди доим,
Акула-ю Китга парвона.
Гўёки у билмайди тинним, —
Ишчан қилиб кўрсатар ўзин,
Пайтин топса ўша ҳамоно
Ўйса Акула-ю Кит кўзин.

⊙ ШИЛЛИҚ ҚУРТ

Оламда бор-йўқлигин
Билмоқлиқ маҳол.
У ёпишган кўкат
Бўлади похол.

⊙ ҚИРҚ ОЁҚ

Қирқта оёғи бор,
Юриши секин.
Текин ўлжа бўлса
Югурар, лекин.

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ.

Латифалар

⊙ ҚУЛФ ЖОЙИДА

Афанди катта бир омборга соқчилик қиларди. Эрта билан уйғониб, ўғри тушганлигини пайқагач, хўжайинига хабар берди:

—Шўримиз қуриди, хўжайин, омборхонанн ўғрилар уриб кетишибди, ҳеч вақо қолмабди-я...

— Қулф-чи!

— Қулф жойида, у бузуқ экан, олишмабди...

⊙ ЯНГИ УСУЛ

Афандн тайёр киймлар магазинида сотувчилик қиларди. Мухбир унн саволга тутиб, сўради:

— Қандай янгилнклар жорнй этилмоқда?

—Тўғридан-тўғри савдо залимизга бизга ўз маҳсулотларини йўллаган фабрикаларнинг икки тикувчисини асбоб-ускуналарн билан жойлаштирдик. Улар тайёр киймларнн харидорларнинг дидн ва бўйбастларига мослаб қайтадан тикиб беришмоқда.

— Ҳал этилиши лозим бўлган келгусн режа ва муаммолар нималардан иборат?

— Бўлғусида «қайта тикувчилар» сонини оширнш. Бора-бора, тўғридан-тўғри газламадан бнчиб-тикиб, сота бошлашга ўтиш муаммоларнн ҳал этиш зарур.

Ф. ОРИПОВ.



— Эшитдингизми дадаси, ярмаркада аёллар учун савдо ташкил қилинармиш.
— Бекор гап, ахир бугун биринчи апрел-ку, хотин.



— Ҳалитдан сиз менн пора билан қўлга олмоқчимисиз!
— Йўғе хўжайин, шунчаки биринчи апрель ҳазилику бу...



— Тура қолинг дадаси, лотереянгизга автомашина эмас, тикув машинаси чиқибди.

Ш. Субҳонов чизган расмлар.

Хандалар

— Қизиқ, дея ўйланиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади милиционер ўғри тушган хонадонни кўздан кечирар экан. — Тилла узук, сирға, маржон, шуба. Негадир ўғри фақат аёлларнинг нарсасини олган.

Хона ўртасида турган эр милиционерга деди:

— Ахир мен биттагина костюмимни меҳмондорчиликка кийиб кетгандим-да.

* * *

— Мана бу хотинингиз ёзган шикоятда айтилишича, сиз доим ярим кечада келармишсиз, шу ростми? — дея сўради милиционер.

— Агар эрта келсам, у пиширган овқатни ишга мажбур бўламан-да, — деди эр хўрсиниб.

* * *

— Хўш, қандай қилиб бир бечора ожиза аёлни тунашга журъат этдинг? — деди милиционер қўлга тушган ўғрига.

— Қандай қилиб у бечора бўларкан. Қўларида минг сўмлик узуклар, бўйнидаги марваридниг ўзи беш минг туради. Соати ҳам тилла...

* * *

ГАИ ходими бошлиқ ҳузурига кириб деди:

— Ўртоқ бошлиқ, қизимни уналтириб қўйгандим, сиздан илтимос, мен турадиган чорраҳадаги постга бир-иккита тақиқловчи белгилар ўрнатишга рухсат берсангиз.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

Корректор дафтаридан

⊙ Йўловчиларга қулайлик.
⊙ Муғомбир мулки.
⊙ Келини кийсин, қайнонаси кулсин.
⊙ Спирт ишқибозлари.
⊙ От изини ой босар.
⊙ Уқувсиз хотин.
⊙ Ичмасликка юз бер.
⊙ Чорахўр ревизор.
⊙ Ҳаваскор озувчи.
⊙ Чайқовчининг жойи мозор.

Н. ТОҒАЕВ,
Қашқадарё области.



⊙ «Кулги — жон озиғи, мухлислар унга доим мафтун бўладилар».

Т. Каримов фотолари.

ТошДУнинг ўн бешинчи факультети

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида тупроқшунослик факультети ташкил этилди. Янги факультет мутахассислар тайёрлашни тубдан яхшилаш, экология вазиятини чуқур тадқиқ этишни ташкил қилиш ва тупроқни муҳофаза этиш, хўжаликларда объектив ер карталарини тузиш билан шуғулланади. У мавжуд биология-тупроқшунослик факультети базасида ташкил этилди.

Бу Ўрта Осиёдаги энг кекса ўқув муассасасининг ўн бешинчи факультети бўлди. Факультет декани ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Тўхтасин Абдураҳмонович Абдураҳмонов республикада муҳим халқ хўжалик проблемаларини омилкорлик билан ҳал этиш қобилиятига эга бўлган малакали тупроқшунос мутахассислар етишмаётганлиги факультетнинг ташкил этилишини тақозо қилганлигини таъкидлади. Жумладан, тупроқ қатламини кенг кўламда тадқиқ этишни тугаллаш вазифаси турибди. Республикамизда бу соҳада жуда орқада қолинмоқда. Гап шундаки, тупроқни шундай тадқиқ этишнинг дастлабки даврасн 1970 йилда тугалланган эди. Энди орадан 20 йил ўтгач, унинг иккинчи даврасн ўтказилмоқда. Бошқа иттифоқдош республикаларда эса учинчи давра аллақачоноқ тугалланган, бинобарин, хўжалик ходимлари бу соҳада янги ва ишончли маълумотларга эга бўлишган.

Янги факультетни ташкил этишни яна шу нарса талаб қилдики, колхозларда ва совхозларда мавжуд бўлган қимматн миллиардлаб сўмни ташкил этадиган кўп миқдордаги тупроқ, мелиорация ва агрохимия ҳужжатларини тушунадиган мутахассислар деярли йўқ дейиш мумкин. Мутахассислар етишмаётганлиги сабабли бу ҳужжатлар ўтмас матоҳ бўлиб ётибди.

Факультетни битириб чиққанлар экология жараёнлари билан фаол шуғулланадилар. Шу нарса сир эмаски, инсоннинг хўжалик фаолияти атроф-муҳитга, шу жумладан ерга кўпинча катта зарар келтиради. Орол зонасининг чўлга айланиши жадал давом этмоқда. Катта-катта майдонларда дегумификация — тупроқ органик қисмининг йўқолиб бориши давом этмоқда. Тупроқнинг шўр босиши, сув ва шамол эррозияси кучаймоқда, у нитратлар, пестицидлар, оғир металлар, радиоактив элементлар билан ифлосланмоқда. Буларнинг ҳаммаси тупроқнинг тинкасини қуритмоқда. Янги факультетда тайёрланадиган мутахассислар ана шу ҳодисаларга қарши курашга бошчилик қиладилар.

Факультетда 15 нафар тажрибали ўқитувчи дарс беради. Улар орасида фан докторлари ва кандидатлари бор. Шунингдек, бу ерда 25 ходим ҳам ишлайди. Факультетнинг кундузги бўлимида 250 студент, сиртқи бўлимида эса 312 студент ўқийди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясн тупроқшунослик ва агрохимия институти факультетга катта ёрдам бермоқда.

— Бизда кафедралар филиаллари базасида факультет филиали ташкил этилмоқда,— дейди ЎзТАГ мухбири И. Алимовга институт директори қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Жўра Сатторович Сатторов. — Биз ишни шундай йўлга қўйишни истаймизки, студентлар илмий ходимлар орасида улар билан тенг иш олиб борсинлар. Худди шундагина улар КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган юқори малакага эга бўладилар, кўпгина муҳим масалаларни, шу жумладан Озиқ-овқат программаси вазифаларини ҳал этишга амалий ҳисса қўша оладилар.

Пировардида яна бир янгилик. Мустақил бўлиб қолган биология факультетида ўн учинчи кафедра — биотехнология кафедраси ташкил этилди. Унга биология фанлари фоктори Мирзаатҳам Ҳакимович Раҳимов бошчилик қилмоқда. Кафедра коллективи ишлаб чиқариш билан алоқаларни кенгайтиришни, чиқитларни саноат кўламида ишлашда корхоналарга ёрдам беришни, бошқа назарий ва амалий масалаларни ҳал этишни ўзининг мақсади деб билмоқда.

3 апрелдан—9 апрелгача

Телепрограммалар

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Криминал талант». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Одесса киностудияси). 12.10 Янгиликлар. 12.20 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.20 «Муқаддас тойуқ». Якутскдан кўрсатилади. 13.40 «Сайёра фақат одамлар учун эмас». Ҳужжатли фильм.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 Ҳужжатли фильм премьераси. 16.40 «Алисия Алонсо саҳнада ва ҳаётда». Телевизион очерк. 17.05 Болалар соати. Француз тили дарси. 18.05 Л. Сайфуллина. «Мактуб». 18.30 «Дўстлик экрани». Регионал хўжалик ҳисоби ва миллатлараро муносабатлар (Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мисолида). 19.00 Футбол шарҳи. 19.30 Катталар учун мультфильмлар. 19.35 А. Дударев. «Жар ёқасида». К. С. Станиславский номли Москва драма театрининг фильм-спектакли. Премьера. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Жар ёқасида». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 «Замонавий музика Х. фестивали». Музикали программа. А. Шнитке. Скрипка ва оркестр учун 4-концерт.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Объективда — жониворлар. Чўчитилмаган қушлар ўлкаси». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Тарих. 8-синф. XIX асрнинг биринчи ярмида Россия маданияти. 10.05 Итальян тили. 11.05 «А. Блок». Илмий-оммабоп фильм. 11.35, 12.35 Тарих. 5-синф. Спартак қўзғолони. 12.05 «Сиз яратган боғ».

3 апрель, душанба

* * *

13.05 «Охирги вагонга ким киради». Бадиий фильм, субтитр билан («Молдовафильм»). 14.30 Янгиликлар. 14.40 П. И. Чайковский. 2-симфония. 15.15 «Буни турмуш дейдилар». Телевизион ҳужжатли фильм.

* * *

17.35 Янгиликлар. 17.45 Чет эл фильмлари экрани. «Давидга қайлиқ» (Куба). 19.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.00 «Тулки». Мультфильм. 20.10 Сенегал миллий ансамблининг чиқиши. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Стол тенниси. Жаҳон чемпионати. ГФРдан кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Чет эл фильмлари экрани. «Давидга қайлиқ» (Куба). 23.30 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув (такрор). 24.00 Янгиликлар.

⊙ УзТВ

15.00 «Виждон билан...». Телефильм. 16.00 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм («Мосфильм»). 17.30 География. Ер шари аҳолиси. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Мэрцишор — баҳор байрами», «Тушлик». Мультфильмлар. 18.30 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 19.00 «Ҳеч ким унутилмайди». Олимпларнинг давра суҳбати. 19.30 «Илғор тажриба мактаби». Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Москва» колхози иш тажрибасидан. 20.00 Ахборот» (рус.). 20.20 «Эҳтиёт бўлинг, Ниниконо!». Бадиий телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Аёл қалби наволари». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Ёдгорлик» туркумидан. Чўлпон. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Саломат бўлайлик!». Телефильм. 19.50 «Лўли». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 21.10 «Иш манфаатини кўзлаб». Телефильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Аҳволлар қалай, студент?». Фрунзе шаҳри политехника ва қурилиш техникумларининг студент ётоқхоналари бўйлаб телерейд. 22.25 «Най учун ёзилган кўҳна куйлар». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).

Турфа олам

НОМ ЧИҚАРИШ УЧУН

Номи Гиннеснинг жаҳон рекордлари китобига қайд этилиши учун ҳиндистонлик Рамеш Ширмага ўз турмуш тарзини бутунлай ўзгартиришга, узоқ йиллар кўп нарсаларда ўзини чеклашга тўғри келди. 1962 йилдан бери у чап қўлидаги тирноқларини ўстиради. Ҳозир унинг тирноқлари узунлиги 426 сантиметрга етган. Уларни тахминан ярим метрдан буклаб, бармоқларга маҳкамланган махсус ғилофларда сақлашга тўғри келади. Агар шундай қилинмаса тирноқлар ўз оғирлигидан синиб тушиши мумкин.



Ҳамма гап коллеждаги бир бақсдан бошланган эди. Рамешнинг ниятн ота-онасига маъқул бўлди, аммо унинг ўзига қатор ноқулайликлар келтириб чиқарди, бировлар қизиқса, бошқалар гап-сўз қилишди, у билан алоқада бўлган баъзи кишилар эса ҳатто рўйхушлик бермай қўйишди, Аммо Рамеш ниҳоятда қайсар туғилган эди. У ҳар қандай ёрдамдан воз кечиб, коллежни тугатди. Нашрнёт ва босмахонага асос солиб, ўз иши билан шуғуллана бошлади. Ишлари юришиб кетди, яхшигина оила бошлиғи бўлди. Тўғри, кўпинча унга фақат ўнг қўли билан ишлашга тўғри келади. Чап қўли эса «жаҳон рекорди»нн ўрнатиш учун хизмат қилади. Уэган тирноқлари унга яхшигина реклама сифатида ҳам хизмат қилмоқда.

ЭНГ УЗУН ЖУМЛА

Жаҳонда энг узун жумла 814 сўздан иборат эди. Мазкур жумла француз ёзувчиси Марсель Прустонинг романида икки ярим саҳифани эгаллайди. Аммо яқинда лондонлик репортёр Бернард Левин ана шу рекордни ортда қолдирди: унинг репортажларидан биридаги жумла 1672 сўзни ташкил этди.

ШЕРНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШ УЧУН

Франциянинг оламга машҳур «Пежо» автомобиль фирмасининг эмблемаси соддалаштирилган шер тасвирини эслатади. Айнан тирик, ўкириб турган «ҳайвонлар шоҳи» Кольмар шаҳрида йирик магазин очилиши муносабати билан реклама мақсадида кўргазмага қўйилган улкан ҳажмдаги автомобиль маркасининг ўзига хос безаги бўлди.



Ишбилармон концессионер Люсьен исмли шерни Страсбург шаҳри яқинидаги циркдан бир неча кунга ижарага олган экан. Тўрт оёқли «артист» ўзининг янги вазифасига тез кўникиб, минглаб кольмарликлар эътиборини жалб этибди.

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар: «Тойчоқ», «Қўзиқоринлар Нохот билан қандай жанг қилишди». 9.35 «Қўй курагида фол очиш». Телевизион бадиий фильм (Рига киностудияси). 10.55 Янгиликлар. 11.05 Болалар соати. Инглиз тили дарси. 12.05 «Кинопрограмма».

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.15 «Қишлоқ истиқболлари». Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Қишлоқликлар» (Ер ва ҳокимият ҳақида ўйлар), (Куйбишев кинохроника студияси), «Ким қаршн?» (Красноярск). 16.55 «Музикали хазина». Л. Бетховен. 23-фа минор сонатаси. («Аппассионата»). П. Донахоу ижро этади (Буюк Британия). 17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.10 «Голиблар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «ТелеЭКО» журнали. 20.00 Катталар учун мультфильм. 20.20 Кинорежиссёр Ҳ. Норлиев фильмлари. «Фироқий — бахтдан айрилган демак». 1-серия («Туркманфильм»). 21.30 «Время». 22.20 «Босқичлар». Бадиий-публицистик программа. 23.50 «Дунё воқеалари». 00.10 Баскетбол. АҚШ студентлар чемпионатининг финали. 2-тайм. АҚШдан кўрсатилади.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Объективда — жониворлар. Зубр». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Умумий биология. 10-синф. Мутациялар табиати ёки нега мушуклар хилма-хил? 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Кукрикикслар ижоди. 1-кўрсатув. 11.35, 12.40 Биология. 7-синф. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари. 12.00 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.30 «Фан ва техника». Киножурнал.

6 апрель, пайшанба

* * *

13.05 «Софья Ковалевская». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 14.15 Янгиликлар. 14.25 Ритмик гимнастика. 14.55 «Россия лўлилари қўшиқлари». Москва «Ромэн» лўлилар театри коллективининг Николаев ва Калинин шаҳарларидаги ҳаваскорлик ансамбллари билан учрашуви.

* * *

17.35 Янгиликлар. 17.40 МТ фондидан. «Софья Ковалевская». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 18.50 Ҳужжатли фильм. 19.30 Фестиваль экрани. Львовдан ўтказилган ёшлар программалари VIII Бутуниттифоқ фестивали лауреати бўлган программалар. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.20 МТ фондидан. «Софья Ковалевская». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 23.30 Баскетбол. АҚШ студентлар чемпионатининг финали. 1-тайм. АҚШдан кўрсатилади. 00.10 Янгиликлар.

⊙ УзТВ

15.00 «Менинг Ватаним». Концерт программа. 16.00 «Бурят жолаклари». Фильм-концерт. 16.15 «Вертикаль». Бадиий фильм. 17.30 «Қизиқарли математика». Илмий-оммабоп программа. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ўзбекистон магнитофон топиб олди». Ҳужжатли фильм. 18.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Ленинакан» (Ленчхути). «Пахтакор» — «Спартак» стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.). «Тўхта, қулоқ соль». Телефильм. «Ахборот». 20.50 Дутор ва тенор дуэтлари. 21.30 Москва. «Время». 22.20 Театр ва замон. «Интервью, интервью...». 23.40 Концерт. Ўзбекистон артистлари программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.15 «Сени излаб». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 20.20 Реклама. «Тошкент» студияси кўрсатади. Ҳар портрети» (такрор.).

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 23.00 К. Мирзоев. «Дарё ўзуи падар».

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 А. Дударев. «Жар ёқасида». К. С. Станиславский номли Москва драма театрининг фильм-спектакли. 11.00 Янгиликлар. 11.10 «Жар ёқасида». Фильм-спектаклнинг давоми. 12.15 Болалар соати. Француз тили дарси. 13.15 «Бу бўлган... бўлганди...».

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.15 «Барча ғамхўрликларнинг асоси». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск). 16.35 Сантьяго-де-Куба шаҳридаги фольклор группаси ижро этади. 17.00 «Мангулиққа айланган лаҳзалар». 17.30 «Бор бўл, музика!». 18.15 Венгрия телевидениесининг программаси. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Катталар учун мультфильмлар. 19.50 МТ экранида биринчи марта. «Хаёлимдаги холам». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Венгрия). 21.30 «Время». 22.20 М. Мусоргский асарларини СССР халқ артисти Е. Светланов раҳбарлигидаги СССР Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. 00.05 «Дунё воқеалари». 00.20 Актуал объектив. «Маданиятни кооператорнинг иқрори». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Объективда — жониворлар. Сивуч». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 9-синф. Оилада бола тарбияси. 10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. Физика. Плазманинг ишчи касблари. 11.35, 12.35 Биология. 5-синф. Гулдан уруғигача. 11.55 «Фан ва техника». Киножурнал. 12.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.

* * *

12.55 «Давидга қайлиқ». Бадиий фильм. 14.10 Янгиликлар. 14.20 Ритмик гимнастика. 15.05 Телевизион

4 апрель, сешанба

ҳужжатли фильмлар: «Шаҳардан қолишмайдиган қишлоқ», «Князь шаҳри».

* * *

17.35 Янгиликлар. 17.40 МТ фондидан. «Софья Ковалевская». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»). 18.55 Ритмик гимнастика. 19.40 «Ярангам остида». Ҳужжатли фильм. 19.50 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 Стол тенниси. Жаҳон чемпионати. ГФРдан кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.20 МТ фондидан. «Софья Ковалевская». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»). 23.45 «Сиз яратган боғ». 00.15 Янгиликлар. 00.25 Футбол. СССР чемпионати. «Зенит» — «Спартак». 2-тайм.

⊙ УзТВ

15.00 «Олчазорга қараган дераза», «Болалигимиз ўтган жой». Телефильмлар. 15.40 «Қўшиқ қилиб куйлайман Донни». Фильм-концерт. 16.10 «Лўли». Бадиий фильм. 17.30 Эстетика асослари. Санъат турлари. Театр ва кино. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ўзбек тилини ўрганамиз» (такрор.). 18.45 Телевизион перископ. «Ахлоқ ва ҳуқуқ» (рус.). 19.30 «Чорвадор» программаси. Бухоро ва Наманган областлари мисолида чорвачиликни интенсив ривожлантириш ҳақида. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Она-бола соғлиғига эътибор». СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегиясининг Тошкентдаги сайёр мажлиси. 21.30 Москва. «Время». 22.20 «Экран таништиради...», «3364-километрда», «Дениска қандай ўлдирилган». «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг премьераси. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Полвон ва қизиқчи». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Беш йиллик: ишлар ва одамлар», Тошкент области қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш муаммолари ҳақида.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.20 «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадиий фильм.

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Босқичлар». Бадиий-публицистик программа. 10.35 Янгиликлар. 10.45 Киноафиша. 11.45 «Умрнинг боқий бўлсин, Ер!». Экологик программа. 12.45 Баскетбол. АҚШ студентлар чемпионатининг финали. АҚШдан кўрсатилади.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.15 Кембриж университети хорининг концерти (Буюк Британия). 16.40 Жаҳон саломатлик кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар. 17.25 «Каштанка». Телевизион бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 18.30 «Фан: назария, тажриба, практика». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР Конституцияси ва миллатлараро муносабатлар. 20.20 Кинорежиссёр Ҳ. Норлиев фильмлари. «Фироқий — бахтдан айрилган демак». 2-серия. 21.30 «Время». 22.20 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.40 Катталар учун мультфильмлар: «Кўмкўк соқол», «Миннатдорман, лайлак». 23.15 «Нигоҳ».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Объективда — жониворлар». Кичик оққуш». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 «Уй академиясн». 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35«Куликово майдони». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Кукрикикслар ижоди. 2-кўрсатув. 11.35 География. 5-синф. Биосфера. 12.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.

* * *

12.35 «Софья Ковалевская». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 13.40 Янгиликлар. 13.50 А. Скрябин. Фортепьяно учун соната-фантазия. 14.05 «Катталар ва болалар». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Кировоград ўқитувчи Эдигейга», «Паҳлавонлар овунчоғи».

7 апрель, жума

* * *

17.35 Янгиликлар. 17.45 Бизнинг фондимиздан. РСФСР халқ артисти О. Эрдели чалади (арфа). 18.25 «Довюрак—олғир». Мультфильм. 18.45 «Майдон». Спорт программаси. 1 ва 2-қисмлар. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.50 Белоруссия ССР Давлат телерадиоси. «То тирикман унутмайман». Улуғ Ватан уруши ветерани, собиқ зенитчи В. П. Чуваева ҳақида телеочерк (Минск). 21.30 «Время». 22.20 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари: «Биз ва оталаримиз». Телевизион бадиий фильм («Новосибирсктелефильм»). Премьера. 23.20 «Ашуги» вокал чолғу ансамблининг концерти. Бокудан кўрсатилади. 23.55 Янгиликлар.

⊙ УзТВ

15.00 «Истеъдод». Фильм-концерт. 15.50 «Тюленлар». Телефильм. «Сени излаб». Бадиий фильм. Ўқитувчи экрани. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Бир том остида». Ҳужжатли фильм. 18.25 «Инсон бошланади» (рус.). 19.00 «Ахборот: тажриба ва муаммолар». Ҳужжатли суръат ва сифат. 19.25 Жаҳон математик кунига. «Сиҳат-саломат». Илмий-оммабоп программа. «Ахборот» (рус.). 20.20 «Шу куннинг долзарб мавзуси». 20.30 «Санъат оламида». Уста Ғулом Усмонов. 21.30 Москва. «Время». 22.20 Бастакорлар ҳақида коялар. О. Хотамов. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.20 «Булутлар узра қўшиқ». Телевизион бадиий фильм. Бокинкистанда телевидение студиясн. «Мардлик—мангулик» программаси. 21.05 «Тошкент почтасидан. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». Информацион кўрсатув (рус.). 21.15 «Тегирмон». Манзарали фильм кетманг, оққушлар». Телефильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». «Кадир тун». Қирғизистон халқ артисти Б. Камолов ва унинг шогирдлари қозиси С. Камолов ижросида. Концерт. учрашув.

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Сиз яратган боғ». 9.35 Фестиваль нишонлари. 10.05 «Директорнинг фантазиялари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Львовдаги «Конвейер» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори В. М. Вологжин ҳақида (Киев). 10.30 «Инсон институти». 11.30 «Социализм мамлакатларида». 12.00 Халқ куйлари. 12.15 Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари кунига. «Москва осмони учун жавобгармиз». Ҳужжатли фильм премьераси (СССР Мудофаа министрлигининг киностудияси). 13.05 Свердловск опера театри таклиф этади. Д. Шостакович. «Катерина Измайлова» операси саҳифаларида. Свердловскдан кўрсатилади. 13.45 «Дунё воқеалари». 14.00 «Қайта қуриш ва маданият». Славян ёзувлари ва маданияти фонди. 15.15 «Ҳайвонот оламида». 16.15 Иттифоқдош республикалар кино санъати. Қозоқ киноси ҳақида ўйлар. 17.40 «Бизнинг бурчимиз». Оилавий болалар уйларининг муаммолари ҳақида. 18.55 Халқаро программа. 19.55 «Сайлес Марнер». Телевизион бадиий фильм (Буюк Британия). Премьера. 21.30 «Время».

Шанба оқшомида

22.20 Мультипликацияда сатира. 23.10 «Сизни «Саквояж» кафеси таклиф этади». Эстрада программаси. «Даврани кенгроқ олинг» кўрсатуви саҳифаларидан. 00.45 Янгиликлар.

⊙ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 «Қишлоқ янгиликлари». КПСС Марказий Комитети март (1989 й.) Пленуми материаллари асосида. 9.45 Талабларингизга биноан такрорланади. «Йиллар, авлодлар, қўшиқлар». Якунловчи кўрсатув. 10.45 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 11.30 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм, субтитр билан. 1-серия («Мосфильм»). 12.55 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» (25 мартдаги кўрсатув такрорланади). 14.35 «Ер ости сувлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев). «Она-замин ташвишида» туркумидан. 15.45 СССР халқ артисти И. Архипова ҳамда СССР Давлат телерадиоси СССР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 16.30 «Ошкоралик» фестивалининг ҳужжатли фильмлари. «Утмиш тушга ўхшайди...». 17.45 «Музикали абонемент». Профессор Янкелевич синфи. 3-кўрсатув. 18.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Ростов этюдлари», «Витебск», «Умид». 19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «П белгиси билан». Илмий-оммабоп программа. 1-қисм. 21.30 «Время». 22.20 «П белгиси билан». Илмий-оммабоп программа. 2-қисм. 23.35 Янгиликлар. 23.45 «П белгиси билан». Илмий-оммабоп программа. 3-қисм. 01.00 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.

⊙ УзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

* * *

10.00 «Шанба экрани». «Гўзаллик олисда». Ҳужжатли фильм. 10.30 «Саломат бўлинг!». 11.00 «Рассом ва китоб». Китоб санъати республика конкурсининг якунлари доир (рус.). 11.40 «Мактаб ҳаёти». Советлар ва мактаб. М. Байжиев. «Сўнгги рейс». Ғ. Гаврилов. 12.00 «Мактаб ҳаёти